



## **XALQ DEPUTATLARI MIRISHKOR TUMAN KENGASHI QARORI**

2022 - yil 6 - oktabr

VI-38-126-4-63-K/22

Mirishkor tuman hokimligi

### **2022 йилнинг 3-чорагида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар ҳисоботи тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28-августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли ҳамда 2021 йил 13-апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22-апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарори, шу бўйича халқ депутатлари туман кенгашининг 2021 йил 1 майдаги “Миришкор туман бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида” ги 169/23-6-сонли қарори билан тасдиқланган намунавий Низомнинг 27, 29-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари туман Кенгаши

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И :**

1. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 1 майдаги “Миришкор туман бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида” ги 169/23-6-сонли қарори билан тасдиқланган намунавий Низомнинг 27-бандига асосан 2022 йилнинг 3-чорагида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар юзасидан туман ҳокимлиги молия бўлими мудири А.Шукуровнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022 йилнинг 3-чорагида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар, яъни ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотлар ва ташаббусли бюджетлаштириш

натижалари бўйича маълумотга 1-иловага асосан;

2022 йилнинг 2-мавсумида ўтказилган ташаббусли бюджет жараёни якунларига кўра ғолиб бўлган таклифларда назарда тadbирларни амалга ошириш учун ажратилган маблағларни буюртмачи ташкилотларга очилган махсус (401722) ҳисоб рақамларига ўтказилиши тўғрисидаги маълумот 2-иловага асосан тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимлиги молия бўлими (А.Шукуров) ҳамда туман ғазначилик бўлинмаси (Ш.Наширов) лар ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотларни туман ҳокимлиги ахборот хизмати (А.Яздурдиев) билан биргаликда келтирилган иловаларга мувофиқ шаклларда “Очиқ бюджет” ахборот портали ҳамда туманнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш ва ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасига қадар жойлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Миришкор туман кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тadbиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Сариқов зиммаларига юклатилсин

**Kengash raisi**



**Sh.Ch.Sanayev**

Xalq deputatlari Mirishkor tuman  
Kengashining  
2022 yil 6 oktabrdagi  
VI-38-126-4-63-K/22-son qaroriga  
1-ilova

**Ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича  
МАЪЛУМОТ**

**Миришкор тумани**

**20.09.2022-йил ҳолатида**

№	Кўрсаткич номи	Сумма (минг сўмда)
1	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар	<b>4 874 000</b>

№	Бажарилган тадбирлар номи	Молиялаштирилган тақлифлар сони	Кўрсаткичлар		
			Ўлчов бирлиги	Микдори	Ажратилган маблағлар
1	Ички йўлларни (пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар	2	умумий узунлиги	4500(метр)	2400000
2	Умумий таълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	1	сони	1	1200000
3	Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
4	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	1	сони	1	400000
5	Бошқа ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
6	Ичимлик суви таъминотини яхшилаш		сони		
7	Кўча чироқларини ўрнатиш		сони		
8	Қабристонларни ободонлаштириш		сони		
9	Маҳалла биносини таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар		сони		
	<b>Жами</b>	<b>4</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>4 000 000</b>

Xalq deputatlari Mirishkor tuman Kengashining  
2022 yil 6 oktabrdagi  
VI-38-126-4-63-K/22-son qaroriga  
2-ilova

**Фуқаролар ташаббуси жамғармасидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган ) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар юзасидан**

**МАЪЛУМОТ**

**Миришкор тумани**

**20.09.2022-йил ҳолатида**

**минг сўм**

№	Тадбирнинг хос рақами (ИД)	Жами тўпланган овозлар сони	Шундан		Тадбирнинг қисқача мазмуни (соҳаси)	Тадбирнинг молиялаштирилиши (минг сўм)			
			Онлайн овозлар	СМС орқали		Тадбирнинг фуқаро томонидан киритилган дастлабки қиймати	Тадбирни амалга ошириш қиймати*	Ажратилган маблағлар	Буюртмачи ташкилот
1	620600001	3276	0	3276	Барақа маҳалласининг 7-мактабга олиб борадиган Гулханий, Мусаффо ва Чилангарлар туташган кўчаларини 2,5 км ички йўлларини таъмирлаб асфальт қилиш.	1200000,0	1200000,0	1200000,0	Туман Ободонлаштириш бошқармаси

2	620600086	2193	0	2193	Миришкор туманидаги 20-сонли мактаб 540 ўқувчи ўринига мўлжалланган. Бироқ мактабда дарсдан кейинги тўғарак машғулоти хамда тадбирлар ўтказиш учун фаоллар зали, спорт зал, кутубхона хамда ошхона кабиларнинг бирортаси мавжуд эмас. Мактабда о'қувчиларни бо'ш вақтларини унумли о'тказиш хамда Ма'навий ва Ма'рифий тадбирларни о'тказиш учун мактабга фаоллар залига эҳтиёж мавжуд.	1200000,0	1200000,0	1200000,0	"Ягона буюртмачи хизмати" ИК ДУК
3	620600020	1968	0	1968	Жейнов шифохонасида ичимлик сувини яхшилаш мақсадида Экомотор(бунга сувни фильтр килувчи аппарат,10тонналик ховуз,сувни фильтрловчи аппаратни саклаш хонаси киради),усти епик автотураргох(машиналар тартиб сизлигини олдини олиш мақсадида)	400000,0	400000,0	400000,0	"Ягона буюртмачи хизмати" ИК ДУК
4	620600003	1848	0	1848	Ширин махалланинг ички 3 км юлини асфальт килиш	1200000,0	1200000,0	1200000,0	Туман Ободонлаштириш бошқармаси
<b>ЖАМИ</b>		<b>9285</b>	<b>0</b>	<b>9285</b>		<b>4 000 000</b>	<b>4 000 000</b>	<b>4 000 000</b>	<b>x</b>